

Ибратли хикоя

(Русчадан таржима)

Америкалик кеска бир мусулмон Шаркий Кентукки тоглари багридаги фермалардан бирида ўз набираси билан яшар эди. Хар куни қария тонг сахарда уйғонар, ошхона столи олдида ўтириб, Куръони Каримни кироат қилар эди. Набираси бобосига ўхшагиси келар ва хар бир ишда бобосига эргашишни хоҳлар эди. Кунларнинг бирида набираси сўради: «Бобожон! Мен сенга ўхшаб Куръон ўқишга ҳаракат қиляпман, лекин мен арабча билмайман, шунинг учун ҳам уни тушунмаяпман. Тушунмасам ҳам Куръонни ўқишимнинг фойдаси борми?»

Бобоси бу вақтда печкага кўмир қалаётган эди ва қайрилиб деди: «Бу кўмир саватини ол, дарё ёқасига туш ва бу саватда менга сув олиб кел».

Набира унга айтилганини қилди, аммо саватдаги сув бола уйга етиб келмасдан аввал тешиқлардан оқиб кетди. Бобоси қулиб: «Сен бу сафар яна ҳам чакконроқ ҳаракат қилиб, уйга тезроқ келгин», – деди ва болани яна ўша сават билан дарё бўйига сув олиб келишга юборди. Бу сафар бола яна ҳам тезроқ келган бўлса ҳам, уйга етиб келмасданок саватидаги сув оқиб кетган эди. Бола бобосига хансираб, саватда сув ташиб бўлмаслигини нолигандай бўлди ва сават ўрнига челақда сув келтириши мумкинлигини айтди.

Қария: «Менга челақда сув керак эмас, мен саватда сув олиб келишингни истайман. Сен шунчаки саватда сув олиб келишни ўрганишинг керак», деди ва ташқарига бола қандай қилиб саватда сув ташимокчи бўлганини кўргани чикди.

Бола эса саватда сув олиб келиб бўлмаслигини билар эди ва қанчалик чаккон ҳаракатланмасин, саватдаги сув, барибир уйғача етиб бормаслигини бобосига тушунтирмокчи бўлар эди. Бола охири бор саватини дарёга солиб, бутун қучи билан уйига қараб югурди, аммо бу савар ҳам сават уйга бўш қайтди. Бола хансираб бобосига: «кўрдингизми, бобо, фойдасиз ахир!», – деди. «Фойдасиз деб ўйлаяпсанми?» – сўради бобоси: «Саватингга қара!». Бола саватига қаради. Кўлида эски қора кўмир саватчаси эмас, ичи ҳам усти ҳам топ-тоза ювилган саватча турар эди.

«Болам, мана кўрдингми, Куръонни ўқисанг ҳам, худди шундай ҳолат содир бўлади. Сен тушунмасдан Куръонни ўқишинг ёки нима ўқиганингни билмаслигинг мумкин. Лекин хар сафар уни ўқиганингда, худди саватчадек, ичинг ҳам ташки дунёнинг ҳам ўзгариб, тозаланиб боради», – деди бобоси.